



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**И.Б.Маттиев** – СамИСИ профессори, DSc

<b>Феруз Нематуллаевич Абилов</b> Қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш	69
<b>Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда сохта иқтисодиёт ва уни баргараф этишнинг амалий йўналишлари	74
<b>Мурод Нозирович Ибрагимов</b> Перспектива развития услуг по внедрению стандартов GxP в Узбекистане	79
<b>Рустам Алижонович Мусабоев</b> Подходы к стратегическому планированию развития сферы бытовых услуг республики узбекистан	84
<b>Ulug'bek Ziyadullayevich Narmurodov</b> Pochta va kuryerlik xizmat ko'rsatishni rivojlantirish holati va tahlili (Samarqand viloyati misolida)	88
<b>Тўлқин Исматулла ўғли Яхёев</b> Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини баҳолашни ва таҳлил қилиш усуллари такомиллаштириш	94
<b>Shohina Xujmaxmatovna Pirova</b> Ichimlik suvi ta'minotini rivojlantirishda xorijiy mamlakatlar tajribasi	98
<b>Nodira Abdullayevna Eshquvvatova</b> Xizmat ko'rsatish korxonalarida iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligini baholash	102
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Ўзбекистонда музей туризмни бозорини ривожлантириш йўллари	107
<b>Дилбар Хасановна Асланова, Маликабону Фуркатовна Раупова</b> Совершенствование организационно-экономического механизма развития малого гостиничного бизнеса	113
<b>Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов</b> Зиёрат туризмида кўрсатиладиган хизматлар турларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тавсифи	116
<b>Райхона Садриддиновна Амриддинова</b> Ребрендинг как стратегический инструмент повышения конкурентоспособности гостиничных предприятий	121
<b>Ikrom Abdurashitovich Shukurov</b> Turizm sohasining barqaror rivojlantririshda ekonometrik modellashtirishning xorij tajribasi	124
<b>Sarvar Adxamovich Abduxamidov</b> Turistik mintaqalar: ularni tashkil qilish va rivojlantirishda rayonlashtirish xususiyatlari	130
<b>Дониёр Журакулович Абдуразаков</b> Туризм қишлоғи концепцияси ва унинг назарий-илмий тавсифлари таҳлили	135
<b>Mekhruza Sukhrobjon qizi Vafokulova</b> The role of family-owned businesses in the sustainable development of tourism in Samarkand	138
<b>Diyora Narzieva</b> Modern approaches to the development of cultural tourism	144
<b>Sadoqat Quدراتовна Bultakova</b> Xizmatlar sohasini diversifikatsiyalashning Yaponiya tajribasi	150

ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки аграр соҳанинг сақланиб қолиши миллий кадриятларимиз билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги пайтда кадриятларимизнинг сақланиб қолиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки кадрияти йўқ миллатнинг қадри бўлмайди. Шу туфайли мазкур масала кун тартибидаги муҳим масалалар сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу илмий-амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга кишлоқ хўжалигида банд бўлган инсон ресурсларини замонавий талабларга жавоб берадиган даражага кўтарилишига, шу асосда агросервис хизматларини ҳам такомиллаштиришга олиб келади. Булар пировардида аҳоли фаровонлигини оширишнинг “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган кенг кўламли стратегик вазифаларни бажариш имкониятларини яратеди.

<p><b>Ф.Абилов</b></p> <p><b>Совершенствование деятельности человеческих ресурсов, оказывающих агросервисные услуги в сельской местности</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье рассматриваются вопросы совершенствования деятельности человеческих ресурсов, оказывающих агросервисные услуги в сельской местности. Учитывая, что размещение кадровых ресурсов в регионах также имеет особое значение при реализации агросервисных услуг, представлен анализ данных о темпах роста численности постоянного населения в Республике Узбекистан и Самаркандской области и изменении численности сельского населения в ней за 2010–2024 годы. Также рассматриваются вопросы повышения квалификации кадровых ресурсов в сфере агросервиса.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> сельская местность, городская местность, агросервисные услуги, кадровые ресурсы, постоянное население, сельское население, экологическая устойчивость, образование, здравоохранение, агрокластеры.</p>	<p><b>F.Abilov</b></p> <p><b>Improvement of the activities of human resources providing agricultural services in rural areas</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article considers the issues of improving the activities of human resources providing agro-services in rural areas. Considering that the placement of human resources in the regions is also of particular importance in the implementation of agro-services, an analysis of data on the growth rate of the permanent population in the Republic of Uzbekistan and the Samarkand region and changes in the rural population in it for 2010-2024 is presented. Issues of improving the qualifications of human resources in the field of agro-services are also considered.</p> <p><b>Keywords:</b> rural areas, urban areas, agro-services, human resources, permanent population, rural population, environmental sustainability, education, health care, agroclusters.</p>
--	---

**Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов** – СамИСИ мустақил изланувчиси,  
Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси ходими

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШДА СОХТА ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

<p><b>Аннотация.</b> Мақола хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда сохта иқтисодиёт ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари қараб чиқилган. Бунда муаллиф томонидан Самарқанд вилоятидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектларда расмий бандликни таъминлашда йўл қўйилаётган сохта иқтисодиёт ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишларига эътибор қаратилган. Шунингдек, расмий сектордаги иш ўринларини расмийлаштиришдаги сохта кўрсаткичларни бартараф этиш бўйича ўз амалий таклиф ва хулосалари ҳам баён этилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> расмий сектор, яширин иқтисодиёт, сохта(қалбаки) иқтисодиёт, расмий ва норасмий бандлик, ўзини-ўзи банд этиш, иқтисодиётда қўшиб ёзиш, солиқ ва статистик ҳисоботлар.</p>
---

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-сонли қарори билан Республикамизда 2022-2026 йилларда норасмий бандлик улушини

қисқартириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланган, унга мувофиқ, 2026 йилгача норасмий секторда банд бўлганлар улушини қисқартириш, жами банд аҳоли (ташки миграцияга кетганлар бундан мустасно) сонидаги улушини 30 фоизга тушириш стратегияси белгиланган<sup>1</sup>. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан, мамлакатимизда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда, жумладан жами банд аҳоли таркибида норасмий бандлар улуши 2022 йилда 39,6 фоиздан 2024 йилда 37,9 фоизга тушиб, шу давр давомида мамлакатимизда норасмий бандлар сони 1,7 фоиз пунктга ёки 319 минг кишига камайган<sup>2</sup>.

Юқоридаги қарорда белгиланган параметрга эришиш учун мамлакатимизда 2025 йил давомида қарийб 1,0 млн нафар ёки 7,9 фоиз пунктга камайтирган ҳолда норасмий банд фуқароларимизни расмий секторга жалб этишимиз лозим бўлади. Ваҳоланки ўтган 3 йил давомида бор йўғи 1,7 фоиз пунктга пасайтиришга эришилган ҳолос. Мазкур соҳада амалга оширилаётган ижобий чора тадбирларга қарамадан, иш ўринларини ҳисоботларга қўшиб ёзиш орқали яширин иқтисодийнинг бир кўриниш шакли бўлган сохта иқтисодиётга йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам кўплаб кузатилмоқда.

Мазкур тадқиқотимизда Самарқанд вилоятидаги хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари мисолида норасмий бандликни бартараф этиш бўйича сохта иқтисодиёт кўрсаткичлари таҳлил этилиб, уни бартараф этиш бўйича амалий ҳулосалар қилинган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Сохта иқтисодиёт бўйича халқаро миқёсда ҳам, мамлакатимизда ҳам, назарий-ўқув услубий адабиётларда кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлсада, иқтисодиёт тармоқларидаги амалий жараёнлар бўйича илмий тадқиқотлар деярли учрамайди.

Мазкур масала хорижий олимлардан Ж.К.Скотт, Х.Ж.Чанг, Н.Н.Хадсон, М.Маццукамо, М. Толеб,Т.Пикетти кабилар<sup>3</sup> тадқиқотларида қараб чиқилган. Ушбу масала мамлакатимиз олимларидан А.Неккесса, Г.Ханин, В.Селюнин, И.Нигматулин, А.Ўлмасов, М.Қ.Пардаев, Ш.Қобилов, Ш.Шодмонов, М.Рахматов кабиларнинг<sup>4</sup> тадқиқотларида эътибор қаратилган.

**Тадқиқот методологияси.** Сохта иқтисодиётни бартараф қилиш бўйича айрим тавсиялар билан боғлиқ масалаларни тадқиқот қилиш жараёнида мантиқий ёндашув, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг бошқа усулларида фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда ҳам сохта иқтисодиёт элементлари учраб турибди. Буни бартараф этиш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Шу туфайли бунга эришишнинг назарий ва амалий йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ушбу масалани ёритиш учун, мазкур категориянинг таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. “**Сохта иқтисодиёт** деганда, расмий секторга хос бўлган яширин иқтисодиётнинг намоён бўлишининг бир шакли бўлиб, унда хўжалик субъектлари томонидан пул маблағларини ноқонуний ўзлаштириш ҳамда иқтисодий-статистик кўрсаткичларни ижобий томонга ўсишини таъминлаш учун, расмий ҳисобот

<sup>1</sup> Пардаев М.Қ., Абдувоҳидов Н.Р., “Яшил иқтисодиётда инновацион ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари, СамИСИ, 252-бет, 2024 йил 22-23 ноябр, ISBN:978-9910-702-01-3.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириликнинг статистик кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган маълумот.

<sup>3</sup> James C.Scott.-“Seeing Like a State:HowCertain Shemes to Improve the Human Cjndition Have Failed” -1998-<https://www.jstor.org/stable/j.ctt1nq3vk>, Ha-Joon Chang.-“Kissing Away the Ladder:Development Strategy in Historical Perspective”- Paperback – July 1, 2002, Mariano Mazzucato-“The value of Everything:Making and Taking in the global economy”-2018, Michael Hudson.-“Killing the Host:How Financial Parasites and Debt Destroy the Clobal Economy”- Paperback – August 20, 2015., Nassim Nicholas Taleb.-“The Black Swan”- 2007., Thomas Piketty.,“Capital in the Twenty-First Century”-2013.

<sup>4</sup> Г.Ханин.-«Луковая цифра:30 лет спустя»-журнал «Идеи и идеали» -2018, №2, т1, стр 139-143, В.Селюнин и И.Нигматулин.-«Плановая система: цифры и факти», «Огонёк» журналы -1989., А.Ўлмасов, Ш.Қобилов.-«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»-Я ҳарфи, 6-банди-сохта иқтисодиёт, Pardaeв M.K., Abduvohidov N.R., “The concept of the shadow economy and some recommendations for its elimination”-Web of Discoveries:Jounal of Analysis and Inventions-volume 3, Issue 7, July-2025, ISSN(E):2938-3773, 13-бет., Ш.Шодмонов, М.Рахматов,-“Иқтисодиёт назарияси” дарслик -2021.

шаклларига сохта маълумотларни киритиш орқали амалга ошириладиган иқтисодий фаолият тушунилади<sup>1</sup>. Биз мазкур тадқиқотимизда расмий сектордаги сохта иқтисодиётнинг солиққа тортилмайдиган турига мансуб бўлган, норасмий бандликни сохта маълумотлар асосида расмий бандлик сифатида кўрсатиш ҳолатларини Самарқанд вилоятидаги кичик бизнес субъектлари бўлган корхоналар мисолида қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки солиққа тортилмайдиган иқтисодиёт ҳам қандайдир кўрсаткичларни яшириш орқали амалга оширилиб келинмоқда. Бунга аниқлик киритиш учун, ушбу тушунчанинг ҳам таърифини ишлаб чиқдик.

**“Солиққа тортилмайдиган (яшириладиган) сохта иқтисодиёт** деганда, маҳаллий ҳокимият идоралари ва тегишли масъул идора ходимлари томонидан, ҳудуднинг иқтисодий-статистик кўрсаткичларини ўтган даврларга нисбатан ижобий томонга ўсишини таъминлаш мақсадида, хўжалик субъектларига турли таъсир (босим) ўтказган ҳолда, расмий ҳисоботларга сохта маълумотлар киритиб статистик кўрсаткичларни сунъий равишда ошириб (пасайтириб) кўрсатиш ҳолати тушунилади”<sup>2</sup>. Кўриниб турибдики, бундай иқтисодиётнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятига, давлат бюджетининг шаклланиши каби жараёнларга салбий таъсир қилади.

Самарқанд вилоятида 2022 йил давомида хизмат кўрсатиш тармоқларига тегишли бўлган 1147 та кичик бизнес субъекти бўлган хўжалик субъектлари томонидан 2341 нафар фуқароларни расмий статистик ҳисоботларида ўртача йиллик ходимлар сони сифатида тақдим этган бўлса, ушбу субъектларнинг давлат солиқ идораларига иш ҳақидан даромад солиғи бўйича ҳисоботларига киритилмаганлиги ва ўз навбатида иш ҳақидан даромад солиғига тортилмаганлиги аниқланди. Бу ҳақдаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2022 йилда қўшиб ёзилган ходимлар сони иш ўринлари бўйича сохта иқтисодиёт аниқланган субъектлар сонига нисбатан 204,1 % ( $2341 \cdot 100 / 1147$ )ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2023 йилда 149,6 %ни ( $2220 \cdot 100 / 1484$ ) ташкил қилган. Мазкур кўрсаткич 2024 йилда кескин ўсган. Шу йилда 247,7 %ни ( $13380 \cdot 100 / 5401$ ) ташкил қилган. Ушбу ҳолат мазкур муаммонинг ечимига катта эътибор бериш лозимлигини тақозо қилади.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, энг кўп қўшиб ёзилган ишчилар сони бўйича чакана ва улгуржи савдо соҳаси ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич 2022 йилда 46,8 %ни ( $1095 \cdot 100 / 2341$ ) ташкил қилган бўлса, 2023 йида 51,8 %га ( $1151 \cdot 100 / 2220$ ) тенг бўлди. 2024 йилда эса, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 47,1 %ни ( $6308 \cdot 100 / 13380$ ) ташкил қилди. Шу таҳлил қилган йиллар давомида қарийб 50 % қўшиб ёзилган ишчилар сонини чакана ва улгуржи савдо соҳаси ташкил қилмоқда.

Иш ўринлари бўйича аниқланган сохта иқтисодиёт субъектлар сони 2022 йилда 1147 тани ташкил қилган бўлса, худди шундай ҳолат 2023 йилда ҳам такрорланиб, 1485 тани ташкил қилган. Шу йилда хизмат кўрсатиш тармоқлари субъекти 2220 нафар фуқароларни сунъий равишда ўртача йиллик ходимлар сонига акс эттирган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йил давомида янада оширилишига йўл қўйилган. Яъни 2024 йил давомида 5401 та субъектда 13380 нафар фуқароларни ўртача йиллик ишчилар сонига сунъий равишда қўшиб расмий статистик ҳисоботларида акс эттирган.

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, норасмий бандликни расмий секторга ўтказиш борасида сохта иқтисодиёт ҳажми хизмат кўрсатиш тармоқларида кескин ошиши кузатилмоқда. 2024 йилда 2022 йилга нисбатан ҳолатлар сони 4,7 баробарга ошган бўлса, сохта иқтисодиёт улуши 5,7 баробарга ошган.

Норасмий бандликни расмий секторга ўтказиш бўйича хизматлар соҳасидаги сохта иқтисодиётнинг асосий ҳажми, юқорида таъкидланганидек, 50 фоизи савдо хизмати субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2024 йил 11 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> Pardaev M.K., Abdvohidov N.R., “The concept of the shadow economy and some recommendations for its elimination”-Web of Discoveries:Journal of Analysis and Inventions-volume 3, Issue 7, July-2025, ISSN(E):2938-3773, 13-бет.

<sup>2</sup> Абдувоҳидов Н.Р.,-“Яширин иқтисодиёт”га методологик ёндашуви такомиллаштириш-Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш журнали-2025 йил, 15-жилд, 3-сон, ISSN 3030-3672, 15-18-бетлар.

1-жадвал

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари томонидан соҳалар кесимида норасмий бандликни бартараф этиш бўйича 2022-2024 йилларда аниқланган сохта иқтисодиёт кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Хизмат кўрсатиш тармоқлари соҳалари бўйича											
	Чакана ва улгуржи савдо	Транспорт, почта ва кўрбед хизмати	Меҳмонхона ва умумий овқатланиш	Ахборот ва алоқа	Молия ва страхо-вания	Кўчмас мулк билан операциялар	Професионал илмий техник фаолият	Бошқарув ва ёрдамчи хизматлар бўйича фаолиятлар	Таълим хизматлари	Тиббиёт ва ижтимоий хизматлар	Бошқа хизматлар	Жами
<b>2022 йил</b>												
Иш ўринлари бўйича сохта иқтисодиёт аниқланган субъектлар сони	673	61	165	29	9	20	39	54	25	47	25	1147
Кўшиб ёзилган ишчилар сони	1095	293	289	38	17	36	189	142	99	102	41	2341
<b>2023 йил</b>												
Иш ўринлари бўйича сохта иқтисодиёт аниқланган субъектлар сони	927	60	217	33	8	28	34	48	37	60	33	1485
Кўшиб ёзилган ишчилар сони	1151	187	302	39	15	47	143	107	103	89	37	2220
<b>2024 йил</b>												
Иш ўринлари бўйича сохта иқтисодиёт аниқланган субъектлар сони	3122	238	760	137	36	133	201	231	153	286	104	5401
Кўшиб ёзилган ишчилар сони	6308	962	2004	409	73	473	712	604	607	1013	215	13380

\*Статистика ва давлат солиқ идоралари маълумотлар базаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бош прокуратураси ахборотида Республика бўйича 764723 нафар иш ўринлари қўшиб ёзиш орқали расмий ҳисоботларга киритилганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилганлиги маълум қилинган<sup>1</sup>.

Самарқанд вилоятида 2025 йил 1 январ ҳолатига ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар сони (амалдаги) 507903 нафарни ташкил этса, шундан 10749 нафари амалда расмий банд (бошқа корхона ва ташкилотларда расмий ходим сифатида рўйхатда турибди) бўлган фуқароларни рўйхатга олинишига йўл қўйилган, шундан 8800 нафари хизматлар соҳаси бўйича расмийлаштирилган<sup>2</sup>. Бундан кўриш мумкинки, норасмий иқтисодиётни камайтириш бўйича тегишли чораларни хизмат кўрсатиш соҳасида кўриш лозим экан.

<sup>1</sup>Пардаев М.Қ., Н.Абдувоҳидов., “Яшил иқтисодиётда инновацион ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари, СамИСИ, 252-253-бет, 2024 йил 22-23 ноябр, ISBN:978-9910-702-01-3.

<sup>2</sup>Самарқанд вилояти солиқ идоралари маълумотлар базаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган материал.

Юқоридаги ҳолатлар яширин иқтисодиётнинг сохта иқтисодиёт шакли қандай салбий оқибатларни келтириб чиқарса, норасмий бандликни бартараф этишдаги сохта иқтисодиёт ҳам шундай оқибатларга олиб келади, оқибатда давлат статистик маълумотларни ҳаққонийлигига путур етади, мамлакатнинг халқаро миқёсда инвестицион рейтинг кўрсаткичлари пасайиб кетади, ҳукумат, вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинадиган қарорларни қабул қилишда чалкашликларни келтириб чиқаради, Фуқароларимизнинг иқтисодий фаровонлигига акс таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридаги тадқиқотлар натижасида хизматлар соҳасида норасмий бандликни бартараф этиш йўналишида йўл қўйилаётган сохта иқтисодиётни бартараф этиш бўйича қуйидаги хулосаларга келиниб, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Биринчидан,** бугунги кунда барча солиқ ва статистик ҳисоботлар электрон тарзда тақдим этилишидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларни давлат статистика органларига йил якуни билан тақдим этадиган ўртача йиллик ишчилар сони тўғрисидаги ҳисоботи ва давлат солиқ органларига йил якуни билан тақдим этадиган иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи ҳисобот шакллари интеграция қилиб, давлат солиқ органларига тақдим этган иш ҳақи ҳисобланган ходимлар сонидан кўп ёки кам бўлса, статистика органларига тақдим этилаётган ҳисобот автоматик равишда қабул қилинмаслиги тизимини жорий этиш лозим. Бу мазкур жараёнда инсон омили таъсирини чеклайди.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги ПҚ-78-сонли “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 19-бандида хизматлар соҳасида яратилган янги иш ўринлари ҳаққонийлигини назорат қилиш механизмини, бугунги рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда инсон омилини чекловчи аниқ қоидаларни белгилайдиган ҳукумат қарори билан тартиб ишлаб чиқилиши лозим бўлади;

**Учинчидан,** сохта иқтисодиётга йўл қўяётган ва унга даъват этаётган масъул ходимлар жавобгарлигини кучайтириш, яъни қонунчиликга тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ишлаб чиқилган тавсиялар амалиётга жорий қилинса мамлакат иқтисодиётида яширин иқтисодиётнинг бир кўриниш шакли бўлган сохта иқтисодиёт улуши камайиб, мамлакатимизнинг ЯИМ ва ЯХМлар ҳажмида реал рақамларга яқинлашади ва мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги статистик кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган маълумот.
4. Абдувоҳидов Н.Р.,-“Яширин иқтисодиёт”га методологик ёндашувни такомиллаштириш-Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш журналі-2025 йил, 15-жилд, 3-сон, ISSN 3030-3672, 15-18-бетлар.
5. Пардаев М.Қ., Абдувоҳидов Н.Р., “Яшил иқтисодиётда инновацион ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари, СамИСИ, 2024 йил 22-23 ноябр, ISBN:978-9910-702-01-3. - 252-бет,
6. Pardaev M.K., Abdvohidov N.R., “The concept of the shadow economy and some recommendations for its elimination”-Web of Discoveries:Journal of Analysis and Inventions-volume 3, Issue 7, July-2025, ISSN(E):2938-3773, 13-бет.
7. Пардаев М.Қ., Абдувоҳидов Н.Р., “Яшил иқтисодиётда инновацион ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-

<p><b>Н.Абдувоҳидов</b></p> <p><b>Практические направления устранения фиктивной экономики при создании рабочих мест в сфере услуг</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье рассматриваются практические направления устранения фиктивной экономики при создании рабочих мест в сфере услуг. Особое внимание автор уделяет проявлениям фиктивной экономики в субъектах сферы услуг Самаркандской области, возникающим при обеспечении официальной занятости. Также изложены собственные практические предложения и выводы по устранению фиктивных показателей в процессе легализации рабочих мест в официальном секторе.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> официальный сектор, теневая экономика, фиктивная (поддельная) экономика, официальная и неофициальная занятость, самозанятость, приписки в экономике, налоговая и статистическая отчетность.</p>	<p><b>N.Abduvohidov</b></p> <p><b>Practical directions for eliminating the shadow economy in creating jobs in the service sector</b></p> <p><b>Abstract.</b> This article examines the practical directions for eliminating the hidden (or fictitious) economy in the process of creating jobs in the service sector. The author focuses on the issues related to fictitious employment within service sector entities in the Samarkand region, particularly in ensuring official employment. Moreover, the article presents the author’s practical proposals and conclusions aimed at eliminating fictitious indicators in the formalization of employment in the official sector.</p> <p><b>Keywords:</b> official sector, hidden economy, fictitious (fake) economy, formal and informal employment, self-employment, data inflation in the economy, tax and statistical reporting.</p>
--	--

**Мурод Нозирович Ибрагимов** – Директор консалтиноговой компании ООО “LEAN PHARMA CONSULTING”

**Перспектива развития услуг по внедрению стандартов GxP в Узбекистане**

<p><b>Аннотация.</b> В статье анализируется перспектива развития консалтинговых услуг по внедрению стандартов GxP в фармацевтических компаниях Узбекистана в связи с обязательными требованиями получения сертификатов GMP для производителей лекарственных средств, GDP для дистрибьюторов и GPP для аптечных учреждений.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> консалтинговые услуги, лекарственные средства, GxP (GMP, GDP, GPP), дистрибуция, производство лекарственных средств, аптечные учреждения.</p>
--

**Введение.** С ростом экономики, появлением все больше новых направлений развития и новых участников рынка возрастает и потребность в услугах экспертов, профессиональных консультантов. В настоящее время инвестор, особенно, зарубежный, при осуществлении инвестиций не обходится без привлечения экспертов – консультантов.

Если взглянуть в историю развития консалтинга как отдельной сферы бизнеса, то становится понятным то, что становление и развитие консультационных услуг всегда были связаны с ростом экономики, появлением новых отраслей.

Первой предпосылкой к развитию консалтинга стала промышленная революция – период, когда активно стали открываться новые фабрики и заводы. В это время стало появляться потребности описания различных методов и принципов развития бизнеса. Первые попытки обобщить подобного рода знания были предприняты в XIX веке, когда зародилось движение научного управления. Однако, в те времена консультирование касалось только таких вопросов, как увеличение производительности труда на фабриках и заводах, а также организация и оптимизация рабочего процесса.

В начале XX века сфера деятельности консалтинга значительно возросла. Так, появились первые профессиональные и авторитетные консультанты, мнение которых было важным для любого руководителя предприятия. Наиболее известными именами в этой области можно считать таких экспертов, как Фредерик Тейлор, Артур Д. Литтл, Тоуэрс Пэррин и Гаррингтон Эмерсон. Кстати, последние двое и основали первую в мире консалтинговую компанию!

Консалтинговые услуги в Узбекистане находятся на начальной стадии развития.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{8}$ . “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.